

“Тасдиқлайман”
“Қашқадарё сув таъминоти”
МЧЖ бош муҳандиси

“8” 19 Ақбаров Т.Якубов.
2022 йил.

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ

ТЕХНИК ШАРТ № 259

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

Иншоотнинг номи: Қарши шаҳар “Геология” маҳалласи кўчалари ҳамда кўп қаватли уйлардаги ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш .

Манзили: Қарши шаҳар “Геология” маҳалласи.

I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: Геология насос станциясидан чиқувчи ичимлик сув қувурига ва Насаф кўчасидан ўтказилган ичимлик сув қувури қудуғига улансин. Кучалар бўйлаб ичимлик сув тармоқлари тортиш лойиҳада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қувури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуқтага қузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

II. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қувури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Қарши шаҳар сув таъминоти филиалининг 02.11.2022 йилдаги №293-2-сонли техник ҳулосаси.

ИЧТБ бошлиғи



К.Кўйбоқоров